

## ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

### **Адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мақомини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар Дастурида суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, шунингдек Конституция ва қонунларда белгиланган бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий кадрият сифатида мустаҳкамлашга ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга қаратилган амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Адвокатура институтини суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида такомиллаштириш мақсадида адвокатларнинг жинсий, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўриб чиқишдаги иштироки ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда. Адвокатларнинг касбий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишлари учун зарур бўлган қонунчилик базаси изчиллик билан шакллантирилмоқда, юридик ёрдам ва юридик маслаҳат хизмати кўрсатиш тизими такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтказилаётган ислохотларнинг тўлақонли амалга оширилиши ва қўйилган мақсадларга эришишда, адвокатуранинг институционал асослари ва фаолият принциплари замонавий талабларга жавоб бера олмаётганлиги, адвокат процессуал мақомининг заифлиги, адвокатура институти обрўсига путур етказадиган ва адвокатлар ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилмай қолинишига олиб келувчи ҳолатларнинг ҳамда мамлакатда адвокатлар сони етарли эмаслиги оқибатида малакали юридик ёрдам олишнинг

чегараланганлиги, адвокатура сафига кириш учун ёшлар оқимининг ва давлат томонидан субсидияланадиган юридик ёрдам кўрсатиш амалиётининг мавжуд эмаслиги ҳолатлари тўсқинлик қилмоқда.

Замонавий, самарали ва сифатли фаолият юритувчи суд-ҳуқуқ тизимини яратишга ва адвокатура институтини янада тубдан такомиллаштириш юзасидан муваффақиятли давлат сиёсатини олиб боришга бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

адвокатуранинг чинакам мустақил, ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи институт сифатида шаклланмаганлиги;

адвокатлик касбига қабул қилиниш устидан давлат назорати механизмнинг ҳанузгача сақланиб келинаётганлиги, адвокатура малака комиссияларини шакллантириш ва ташкил этиш тамойилларини янада такомиллаштиришнинг талаб этилаётганлиги;

адвокатура бошқарув органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг норматив жиҳатдан тартибга солиниши демократия, тенглик, мутаносиблик, коллегиялик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларига жавоб бермаётганлиги;

иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд иш юритувиди адвокатнинг вакил сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва ҳолатини фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари билан ўхшашлиги масаласида, шу жумладан, адвокат ёрдами учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш масаласида бирхиллаштириш ва уйғунлаштиришнинг талаб этилиши;

жиноят процессида ва суд иш юритувиди, шу жумладан судга қадар иш юритув босқичида адвокатнинг процессуал мақоми замонавий халқаро стандартлар талабларига жавоб бермаётганлиги ҳамда тортишувлик принципи ва тарафлар тенглигининг бузилишига олиб келувчи айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқларидаги номутаносибликнинг сақланиб келинаётганлиги;

давлат ҳисобидан адвокат тайинлаш бўйича мавжуд амалиётнинг халқаро стандартларга номувофиқлиги;

маҳкумларнинг жазони ўташдан шартли равишда муддатидан илгари озод этилиши, жазони енгилроғи билан алмаштириш масалаларини ҳал этишда уларнинг малакали юридик ёрдам олиши ва улар манфаатларини ҳимоя қилишга киришишнинг чекланганлиги;

адвокатларнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатларининг ҳамон бартараф этилмаганлиги;

маҳаллий ҳокимият органлари томонидан адвокатурани фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарурий бинолар билан таъминлашни назарда тутувчи қонун нормаларини ижро этмаётганлиги;

амалдаги адвокатлик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шакллари­нинг адвокатура институ­тини ривожлантиришга кўмаклашмаётганлиги;

адвокатлик тузилмаларининг статистик ва бошқа ҳисоботларини, шунингдек ҳужжатлар айланишини янада бирхиллаштириш ва соддалаштиришнинг талаб этилаётганлиги;

адвокатлик фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги тизими адвокатура институ­тини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлиги ҳамда уни янада такомиллаштиришнинг талаб этилаётганлиги;

адвокатура фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши замонавий талабларга жавоб бермаётганлиги;

фанга ва фундаментал назарий билимларга йўналтирилган юридик таълим тизимининг адвокатлик фаолияти учун зарур бўлган амалий кўникмаларни эгаллашни таъминламаётганлиги;

адвокатлар малакасини ошириш тизими адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколати доирасидан четда қолиб кетаётганлиги ва замонавий талабларга жавоб бермаётганлиги;

адвокатлик мақомига эга бўлмаган консалтинг соҳа юристларининг фаолияти касбга қабул қилиниш, малака ошириш, ахлоқий меъёрлар ва касбий масъулият бўйича юридик касбнинг умумжаҳон халқаро стандартларига мос келмаган ҳолда амалга оширилиши.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий йўналтирилган инновацион ривожланишнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими орқали ҳимоялаш самарадорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Адвокатура институ­тини янада тубдан ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг адвокатура институ­тига нисбатан назорат ва бошқариш ваколатларини бекор қилишни ҳамда касбга қабул қилиниш масаласини ҳам ўз ичига олувчи адвокатлар фаолиятини тартибга солишни Адвокатлар палатасига тўлиқ равишда ўтказилишини назарда тутувчи адвокатуранинг чинакам институционал мустақиллигини таъминлаш;

адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини адвокатнинг касб мустақиллиги ва адвокатлар касбий бирлашмаси халқаро стандартларига амал қилган ҳолда такомиллаштириш;

адвокатлар фаолиятини интизомий назорат қилиш тизимини ислоҳ қилиш;

адвокат ва унинг оила аъзолари ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини, уларнинг мол-мулкни давлат томонидан муҳофаза этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни норматив мустаҳкамлаш ва амалга ошириш, шунингдек уларга тажовуз қилинганлик учун жавобгарликни жорий этиш;

адвокатнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишдаги ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш ва кучайтириш;

жиноят процессида адвокатнинг ҳуқуқлари кафолатини ва процессуал мақомини мустаҳкамлаш ҳамда жиноят процессининг барча босқичларида айблов ва ҳимоя тарафи тенг ҳуқуқларга эга бўлган тортишув принципини таъминлаш;

жисмоний шахсларнинг давлат ҳисобидан ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлаш учун адвокатлар тайинлашнинг халқаро тажрибага асосланган самарали механизмини яратиш;

мансабдор ва бошқа шахсларнинг адвокатларнинг касбий ҳуқуқларини бузганлик ва уларнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлигини кучайтириш;

адвокатлик фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллариини ислоҳ қилиш;

“Ҳуқуқшунослик” мутахассислигига эга бўлган олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг адвокатлик фаолиятига бўлган қизиқишини оширишга ва адвокатлик фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган амалий кўникмаларни эгаллашга қаратилган дастурларни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан адвокатлар малака оширишининг замонавий тизимини, жумладан, масофавий таълим шаклини жорий этишни шакллантириш, шунингдек, адвокатларни қонун ижодкорлиги ва педагогик фаолиятга фаол жалб этиш;

адвокатларнинг ўз касбий вазифаларини бажаришлари натижасида уларнинг хавфсизлигига таҳдидлар юзага келганда, уларнинг ишончли ҳимояланишини таъминлайдиган самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

адвокатни мажбурий келтиришга, шахсий тинтув ўтказишга, унинг уй-жойи, хизмат хоналарини, юкларини, шахсий ва хизмат транспорт воситаларини кўздан кечиришга, адвокатни унинг касбий фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича сўроқ қилишга, шунингдек унинг почта, курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни

назорат қилишга, ахборот ташишнинг электрон воситаларини кўздан кечиришга ва нazorат қилишга, адвокатнинг телефони ва бошқа телекоммуникацион қурилмалари орқали амалга оширилаётган сўзлашувларни эшитиб боришга, алоқанинг техник каналларидан адвокатга боғлиқ бўлган ахборотни олишга йўл қўйилмаслиги қоидаларининг қонун даражасида белгиланиши. Ушбу ҳаракатлар адвокат жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилинган тақдирда суднинг санкцияси асосида амалга оширилади. Бунда адвокатнинг уй-жойида, хизмат хоналарида, транспорт воситаларида тинтув ўтказиш, кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси вакилининг иштирокида ўтказилади;

адвокатларни рағбатлантириш, касбга бўлган қизиқишни ошириш, шунингдек уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида амалдаги адвокатлик фаолиятини солиққа тортиш режимини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги мажбурий иштирокини қонуний мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқини бериш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси вакилини мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолигига жамоатчилик асосида киритиш;

судлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат хизматлари марказлари биноларида адвокатларга бепул тақдим этиш асосида уларнинг касбий фаолиятларини амалга оширишлари учун шароит яратиш ҳамда аҳолининг малакали юридик ёрдамга киришини таъминлаш мақсадида алоҳида хоналар ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида фуқаролар мурожаат қилишлари учун қулай бўлган суд ёки прокуратура марказий органлари жойлашган жойларда ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган бинолар ва хоналарни бепул асосда тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ва гербидан Ўзбекистон Республикаси адвокатурасининг рамзлари сифатида фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

юридик маслаҳатчилар ташкилотларда юридик маслаҳат беришни амалга оширувчи шахсларга адвокатларга нисбатан қўлланиладиган ягона таълим ва малака талабларини шунингдек интизомий жавобгарликни жорий қилиш.

## 2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 сентябрдан:

а) адвокат бўлишни истаган шахслар учун адвокатлик тузилмаларида мажбурий уч ойлик стажировка муддати сақланган ҳолда юридик мутахассислик бўйича икки йиллик иш тажрибасига эга бўлиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

б) адвокат сўровига адвокат ордери нусхасини илова қилиш тўғрисидаги талаб ҳамда сўровда адвокатлик сирини ташкил этувчи маълумотларни киритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади, ҳамда бир вақтнинг ўзида сўровга адвокат гувоҳномасининг маълумотларини киритиш талаби жорий қилинади;

в) “ягона дарча” тамойили асосида қўйидагиларни назарда тутувчи адвокатлик тузилмаларини ва юридик маслаҳатхоналарни рўйхатга олиш амалиёти йўлга қўйилади, шу жумладан:

адвокатлик тузилмалари ва юридик маслаҳатхоналарни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатишни амалга ошириш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади;

адвокатлик тузилмаларини рўйхатга олганлик учун давлат божи миқдорини ўзи келиб мурожаат қилганда БҲМнинг 1 бараваригача ва электрон кўринишда мурожаат қилганда БҲМнинг 50 фоизигача камайтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларини улар томонидан ташкил этиладиган юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга қўйиш учун давлат божидан озод этилади;

адвокатлик тузилмаларини рўйхатга олиш ва юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризаларни икки кунлик муддатда кўриб чиқилади;

г) адлия органларининг адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, устав фаолиятига, рўйхатга олиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибига риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари, шу жумладан, рўйхатга олиш тартибини бузганлик ва адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатлари талабларига риоя этмаганликлари учун жарималар ундириш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

д) адвокатлик тузилмалари томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ ставкаси 5 фоизгача пасайтирилади;

е) адвокатлик тузилмалари томонидан нақд пулсиз кўринишда амалга оширилган қўйидаги тўловлар адвокатнинг жами даромадига кирмайди:

адвокатлар малакасини ошириш ҳамда адвокатларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги билан боғлиқ бошқа харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига кириш ва аъзолик бадаллари;

адвокатнинг ҳаёти, соғлиғи ва фуқаролик жавобгарлигининг суғуртаси бўйича харажатлар;

адвокатнинг хизмат сафари харажатларининг ёки хизмат сафари билан боғлиқ компенсация тўловларининг тўлиқ ҳажми;

адвокат ёки унинг оила аъзоларининг санаторий-курорт даволаниши, дам олиши, стационар ва амбулатор даволаниши учун харажатлар, шунингдек уларни қоплаб бериш қиймати;

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасаларида адвокат болаларининг таълими, таъминоти бўйича харажатлар;

Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларидаги (ўзи, шунингдек фарзандлари ёки турмуш ўртоғи – йигирма олти ёшгача) таълим бўйича харажатлар;

адвокатларнинг ўн олти ёшгача бўлган болалари учун (ўқийдиганлар – ўн саккиз ёшгача) Ўзбекистон Республикасида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар бўйича харажатлар.

### 3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига адвокатларнинг касбий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъволарни судларга давлат божини тўламасдан киритиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, мансабдор шахслар ва бошқа шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилади;

адвокат судлар, бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари биноларига иш вақтида ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишидаги зарурият сабабли ҳеч бир тўсқинликсиз (фақат адвокат гувоҳномасини тақдим этиш билан) кириш ҳуқуқига эга;

адвокат ўз касбий фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган компьютер, электрон, мобил ва бошқа алоқа қурилмаларини ҳамда техника воситаларини судлар, бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат органлари, муассасалари, ташкилотлари биноларига тўсқинликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга;

адвокатлар адвокат сўрови бўйича давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан адвокатнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган маълумотлар, ахборотлар, маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилганлиги учун давлат божи ва бошқа барча тўловларни тўлашдан озод этилади.

4. Адвокатлик касбининг обрўсини ошириш ҳамда судлов иш юритувининг айблов тарафга оғишини истисно этишни, қонунларга қатъий риоя қилишни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини ҳамда суд процессида тортишув тамойилини таъминловчи замонавий ва ҳақиқатдан мустақил бўлган, ҳар томонлама касбий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган судьялик корпусини шакллантириш мақсадида, 2025 йил 1 январдан судьяликка номзодларга қўйиладиган мажбурий талаблардан бири бўлиб адвокат сифатида икки йилдан кам бўлмаган иш стажининг мавжуд бўлиши белгилансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда – “Концепция”) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича Йўл харитаси (кейинги ўринларда – “Йўл харита”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда 2020 йилнинг 1 ноябригача бўлган муддатда “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини, шунингдек, адвокатлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва адвокатура мақомини оширишни назарда тутувчи қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби 3-иловага мувофиқ;

танқидий ўрганишлар ўтказиш ва адвокатура институтини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳлар) таркиби 4-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда:

Концепция ва “Йўл харитаси”ни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминласин.

Мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда Комиссияга маълумот тақдим этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Комиссияга ва ишчи гуруҳларга агар



зарур бўлса, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакиллариини жалб этган ҳолда, адвокатура соҳасидаги етакчи хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, ишчи гуруҳлар раҳбарлари мазкур қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу Қарорнинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шунингдек интернет тармоқларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини ривожлантириш Концепцияси ва “Йўл харитаси”нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошлиғи З.Ш.Низомиддиновлар зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. Мирзиёев**